

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02.30.12.2019.К/Т35.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАНАЗАРОВ АКМАЛ РУЗИКУЛОВИЧ**

**ИШЛАТИЛГАН КАДМИЙ-КАЛЬЦИЙ-ФОСФАТ  
КАТАЛИЗАТОРИДАН КАДМИЙНИ АЖРАТИБ ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УНИ ЯНГИ КАТАЛИЗАТОР СИНТЕЗИ  
ЦИКЛИГА ЖАЛБ ҚИЛИШ**

**02.00.19 – Камёб, нодир ва радиоактив элементларнинг кимёвий технологияси  
02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллартехнологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)**

**Жуманазаров Акмал Рузикулович**

Ишлатилган кадмий-кальций-фосфат катализаторидан кадмийни ажратиб олиш технологияси ва уни янги катализатор синтези циклига жалб қилиш..... 3

**Жуманазаров Акмал Рузикулович**

Технология извлечения кадмия из отработанного кадмий-кальций-фосфатного катализатора с вовлечением его в новый цикл синтеза катализатора..... 21

**Jumanazarov Akmal Ruzikulovich**

Technology for extraction of cadmium from spent cad-mi-calcium-phosphate catalyst with involving it in a new cycle of catalyst synthesis... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02.30.12.2019.К/Т35.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАНАЗАРОВ АКМАЛ РУЗИКУЛОВИЧ**

**ИШЛАТИЛГАН КАДМИЙ-КАЛЬЦИЙ-ФОСФАТ  
КАТАЛИЗАТОРИДАН КАДМИЙНИ АЖРАТИБ ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УНИ ЯНГИ КАТАЛИЗАТОР СИНТЕЗИ  
ЦИКЛИГА ЖАЛБ ҚИЛИШ**

**02.00.19 – Камёб, нодир ва радиоактив элементларнинг кимёвий технологияси  
02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллартехнологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/T3261.рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Гуро Виталий Павлович**

кимё фанлари доктори, профессор

**Дадаходжаев Абдулла Турсунович**

техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Намазов Шафбат Саттарович**

техника фанлари доктори, академик

**Рузиев Улугбек Насматович**

техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Ётақчи ташкилот**

**Тошкент кимё технология институти**


Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «18» апрель 2023 йил соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90).


Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (32 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60.


Диссертация автореферати 2023 йил « 3 » апрель куни тарқатилди.

(2023 йил « 3 » апрелдаги № 32 - рақамли реестр баённомаси).

  
**Б. С. Закиров**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

  
**Д. С. Салиханова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қотиби, т.ф.д., проф.

  
**Ш. С. Намазов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор, ЎЗР ФА академиги



## КИРИШ(Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда техноген чиқиндиларнинг экологияга таъсирини камайтириш, “Ҳавонинг узок масофаларга трансчегаравий ифлосланиши тўғрисида”ги конвенциясига мувофиқ оғир металллар (шу жумладан кадмий) таъсирини аниқлаш ва уларни ажратиб олишга қаратилган қатор тадқиқотлар ўтказилиб келинмоқда. Қаттиқ чиқиндилар таркибидан радиактив, оғир ва рангли металлларни ажратиб олиш нафақат экологик муаммони олдини олади, балки қимматбаҳо ресурсларни тизимга қайтариш имконини беради. Бундай эътибор, кадмийнинг антропоген эмиссияси табиийсидан кўпроқ эканлиги билан изоҳланади ва уларни камайтириш муаммосининг долзарблигини кўрсатади.

Жаҳон амалиётида таркибидан кадмий мавжуд бўлган металлургия саноати техноген чиқиндиларни қайта ишлаш технологиялари ва улардан янги маҳсулотлар олиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, металлургия саноати чиқиндиларини физик кимёвий таркибини аниқлаш; физик-кимёвий усуллар билан қайта ишланган ККФ катализатори намуналарининг моддий ва кимёвий таркибини аниқлаш; ККФ-Н катализаторидан кадмийни ажратиб олиш усулини ишлаб чиқиш; кадмийли чиқиндилардан ККФ-Н катализаторини синтез қилиш усулини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада металлургия саноати техноген чиқиндиларни қайта ишлаш, маҳаллий хомашёдан юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар яратишда маълум назарий ва амалий натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясининг учинчи йўналишида “...миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга қаратилган саноат сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улушини ошириш ва саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробарга ошириш...”<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Бу борада, кадмий сақловчи техноген чиқиндиларни қайта ишлаш, уларни иккиламчи хомашёга айлантиришга оид тадқиқотлар муҳум аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-мухитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2021 йил 24 июндаги ПФ-5159-сон «Кон-металлургия ва унга боғлиқ бошқа саноат соҳаларини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таркибида оғир металллар бўлган техноген чиқиндиларни комплекс қайта ишлаш борасида фан ва амалиётни ривожлантиришга чет эллик ва маҳаллий олимлар: Зеликман А.И., Никольский Б.П., Марченко Н.В., Вершинина Е.П., Барашев А.Р., Мамяченков С.В., Анисимова О.С., Гришин С.В., Холин Ю. Ю., Волынский В.В., Чернышев Д.О., Jozef Plachy, Tomoyuki Shiraishi, Masao Tamadab, Kyouchi Saito, Takanobu Sugob, Jae-chun Lee, Hai Trung Huynh and Jinki Jeong, Mahdi Gharabagh ва бошқалар. Ўзбекистонда таркибида оғир рангли металллар, оғир металллар бўлган техноген хомашёни қайта ишлашнинг экологик тоза технологияларини яратиш муаммолари билан таниқли назарий ва амалиётчилар Шарипов Х.Т., Якубов М.М., Юсупходжаев А.А., Санакулов К.С., Саттаров Г.С., Хасанов А.С., Исматов Х.Р., Аллабергенов Р.Д. ва бошқалар шуғулланишган. Адабиёт маълумотларига кўра, бу соҳадаги ишланмаларнинг жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш шуни кўрсатдики, бугунги кунда очик мақолаларда кадмий сақлаган техноген хомашёни ва унинг асосидаги чиқиндиларни қайта ишлашга оид маълумотлар чекланган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-201709202 “Чиқинди кадмий-кальций-фосфат (ККФ) катализаторидан кадмийни ажратиб олиш ва унинг асосида катализатор синтези технологиясини ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** чиқинди кадмий-кальций-фосфат ККФ-Н катализаторидан кадмийни ажратиб олиш ва унинг асосида синтезланган ККФ-Н катализатор кўринишида фойдаланишнинг янги циклига жалб қилиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

физик-кимёвий усуллари билан қайта ишланган ККФ катализатори намуналарининг моддий ва кимёвий таркибини ўрганиш;

“Навоийазот” АЖнинг қайта ишланган ККФ-Н катализаторидан кадмийни ажратиб олиш усулини ишлаб чиқиш;

кадмий чиқиндиларидан ККФ-Н катализаторини синтез қилиш усулини ишлаб чиқиш;

“Навоийазот” АЖда ККФ-Н катализаторини олиш учун кадмийни қайта ишлаш тажриба синовини ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида “Кадмий-кальций-фосфатли (ККФ-Н) катализатор” катализатор таблеткалари, кальций оксиди, кадмий оксиди, фосфор оксиди олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ККФ-Н катализатори чиқиндисини қайта ишлаш ва уни янги ККФ-Н катализатор олиш жараёнига қайтариш ва синовидан ўтказишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда спектрометрик таҳлиллар учун Perkin-Elmer 3030B, Agilent 7500 ICP ва полярография, кадмий ва кальций сорбцияси учун Purolite C100Н қатрондан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қайта ишланган қаттиқ ККФ-Н катализаторини турли эритувчилар ёрдамида эритмага ўтказиш қонуниятлари аниқланган;

кадмий-кальций-фосфат-ионларини биргаликдаги эритмасидан, кадмийни ионалмашинувчи смоладан ажратиб олиш схемаси ишлаб чиқилган;

тоза кадмий тузи ёки унинг концентратини ажратиш билан кадмий сақловчи техноген иккиламчи минерал хомашё сифатидаги қайта ишланган ККФ катализаторини ишлаб чиқиш технологияси яратилган;

ишлатилган ККФ катализаторини қайта ишлаш натижасида олинган хомашё компоненти сифатида тоза кадмий тузи ёки унинг концентрати асосида янги ККФ-Н катализаторини синтез қилиш технологияси яратилган;

айланувчан шиша углеродли катодда кадмийни назорат қилишнинг инверсион-полярографик усули (сезгирлиги  $10^{-9}$  % гача) ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ишлатилган ККФ-катализаторидан ажратиб олинган кадмий хлоридни аралашмалардан (каталитик заҳар) тозалаш усули ишлаб чиқилган;

ишлатилган ККФ-Н-катализаторидан паст концентрацияли кальций ва фосфат ионларини сақловчи кадмий концентратини ажратиб олиш усули ишлаб чиқилган;

ишлатилган ККФ-Ндан кадмийни қайта ишлаб олиш технологияси яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилигини замонавий тадқиқот усулларида фойдаланилганлиги, лаборатория ва кенгайтирилган лаборатория тажриба синовлари ва “Навоийазот” АЖ да ўтказилган саноат тажриба синовлари тасдиқлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг натижаларининг илмий аҳамияти кадмийни ишлатилган кадмий-кальций-фосфат катализаторидан эритмага ўтказиш учун мақбул шароитларни асослаш, уни кўшимчалардан тозалаш усуллари ишлаб чиқиш ва ацетальдегидни ацетилендан синтез қилиш учун янги катализатор каталитик массаси ҳосил бўлиш реакцияларининг таркибий қисми сифатида фойдаланишга асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлатилган кадмий-кальций-фосфат катализаторидан қайта ишлашга яроқли хлорид кислота тузи шаклида кадмийни танлаб ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқиш, кадмий тузи ёки унинг концентратидан янги катализаторни синтез қилиш, катализаторни қайта ишлаш жараёнининг технологик харитасини ишлаб

чиқишга ҳамда ўқув муассасаларида кимё ва кимёвий технология соҳаларида магистрлар ва бакалаврларни тайёрлашда ўқув жараёни учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги.** ККФ-Н катализаторидан кадмийни қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлатилган ККФ-Н катализатори таркибидан кадмийни ажратиб олиш технологияси “Ўзкимёсаноат” АЖнинг “2024-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истикболли ишланмалар рўйхати”га киритилган (“Ўзкимёсаноат” АЖнинг 2021 йил 30 августдаги 01-3106-сон маълумотномаси). Натижада бу атроф-муҳит ифлосланишини камайтириш ва қимматбаҳо компонентни ажратиб олиш имконини беради;

ажратилган кадмийдан ККФ-Н катализаторини синтез қилиш технологияси “Ўзкимёсаноат” АЖнинг “2024-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истикболли ишланмалар рўйхати”га киритилган (“Ўзкимёсаноат” АЖнинг 2021 йил 30 августдаги 01-3106-сон маълумотномаси). Натижада бу импорт ўрнини босувчи нисбатан арзон катализатор олиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та анжуманларда, шу жумладан: 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 5 та илмий мақола ва 1 та патент.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 113 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги кўриб чиқилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг амалиётга жорий этилишига оид баённомалар тўғрисида маълумотлар келтирилган.



Диссертациянинг **“Кадмий сақловчи хомашёни қайта ишлаш усуллари аналитик кўриб чиқиш”** деб номланган биринчи бобида кадмий чиқиндиларини йўқотиш тўғрисидаги маълумотлар таҳлили берилган: кадмий-никел батареяларини қайта ишлаш, таркибида кадмий бўлган катализаторлар, кадмий-кальций-фосфат катализаторларини синтез қилиш. Ушбу мавзу бўйича чоп этилган нашрлар ҳақида умумий маълумот берилган. Уларнинг танқидий таҳлили асосида ишнинг мақсади ва вазифалари баён этилган.

Диссертациянинг **“Кадмий сақловчи иккиламчи хомашёнинг**


**хусусиятлари, уни қайта ишлашга ёндашувлар”** мавзусидаги **иккинчи бобида** объектларнинг тадқиқот усулларига бағишланган: чиқинди кальций-кадмий-фосфат катализатори (ККФ-Н) ТШ 113-03-00209510-108-2006 “Навоийазот” АЖДа, таркиби, %: СаО 43,85; СdО 11,40; Р<sub>2</sub>О<sub>5</sub> 33,21; аммофос “Аммофос-Максам” АЖДа, рух оксиди “Олмалик КМК” АЖДа, нитрат кислотаси “Максам-Чирчиқ” АЖДа, ККФ-катализатор синтези учун хомашё, катализатор синтези учун хомашё, оғир металл кадмийни қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш. Тадқиқотларни таҳлилий аналитик қўллаб-қувватлаш учун Perkin-Elmer 3030В, Agilent 7500 ICP, вольт-амперометрик АВС-1.1. “Максам-Чирчиқ” АЖДа 1% ли кўмир қўшилган ККФнинг суспензияланган массаси таблеткалаштирилди. ККФ-Н катализатор намуналарининг каталитик фаоллиги “Навоийазот” АЖДа, ацетилендан ацетальдегид синтез қилиш қурилмасида амалга оширилди.

Диссертациянинг **“Маҳаллий хомашёдан ККФ катализаторининг лаборатория намуналарини синтез қилиш усулини ишлаб чиқиш”** сарлавҳали **учинчи бобида** технологияси мавжуд эмаслиги сабабли ҳозиргача республикада унинг импорт ўрнини босиш муаммоси ҳал этилмаганлиги қайд этилган.

*“Навоийазот” АЖнинг ККФ катализатори чиқиндиларидан катализатор синтези.* Эритмалар Са(NO<sub>3</sub>)<sub>2</sub>+Сd(NO<sub>3</sub>)<sub>2</sub> ва (NH<sub>4</sub>)<sub>3</sub>PO<sub>4</sub> керакли моляр нисбатда ҳайдалади. NO<sub>3</sub><sup>-</sup> эритмаси билан СаНРО<sub>4</sub>·2Н<sub>2</sub>О (қаттиқ фаза) мувозанати ўрнатилади; НРО<sub>4</sub><sup>2-</sup>, топокимёвий ўтиш билан СаНРО<sub>4</sub> асосий тузда Са<sub>5</sub>(РО<sub>4</sub>)<sub>3</sub>ОН ва аксинча, ННО<sub>3</sub>, Н<sub>3</sub>РО<sub>4</sub> иштирокида:



NH<sub>4</sub>ОНнинг локал ва умумий ортиқча микдори мувозанатни ўнгга силжитади:



Пульпа таркибидаги НРО<sub>4</sub><sup>2-</sup>-ионларининг кўплигисабабли реакция учун шароит яратилади:




*ККФ катализаторини синтез қилиш жараёнининг схемаси ишлаб чиқилди:*

а) аммоний фосфат эритмасини <35°С ҳароратда (температура) тайёрлаш:



б) кальций ва кадмий нитратлар эритмасини тайёрлаш:



Сd(NO<sub>3</sub>)<sub>2</sub>- эрийди ва чўккан Са(NO<sub>3</sub>)<sub>2</sub> эритмаси билан аралаштирилади;


в) фосфатларни чўктириш Са, Сd чўктирувчи эритмаларнинг берилиши ҳисобига:

Са(NO<sub>3</sub>)<sub>2</sub>+ Сd(NO<sub>3</sub>)<sub>2</sub> ва (NH<sub>4</sub>)<sub>3</sub>PO<sub>4</sub> 1,5-2 соат давомида, 20-25°С, рН 6,8-7,1.

г) суспензияни филтрлаш ва чўкмаларни NO<sub>3</sub><sup>-</sup> ионлардан ювиш.

д) қуриштириш, 100-110 °С ҳароратда чўқиш ва таблеткалаштириш.

$\text{Ca}(\text{NO}_3)_2 + \text{Cd}(\text{NO}_3)_2$  аралашмасида нитрат кислота борлиги реакциянинг (7) боришини тақозо қилади, ортиқча  $\text{NH}_4\text{OH}$  эса мувозанатни (8) ўннга силжитилади:



$\text{HPO}_4^{2-}$  ионларининг кўпайиши билан реакция учун шароит яратилади:



Маҳаллий хомашёдан олинган ККФ катализатори массаси намуналарининг физик-механик хоссалари ўлчанди (1-жадвал).

**1-жадвал. Каталитик массанинг физик-механик хоссалари**

Кўрсаткич номи	Техник хусусиятлари
Оммавийзичлик, кг/дм <sup>3</sup>	0,9±0,1
Механик мустаҳкамлиги, кг/см <sup>2</sup>	
- қирғичда, %, кўпи билан	12,0
- майдалаш учун, %, кам бўлмаган	90,0

$\text{CaHPO}_4$  эса асосий туз  $\text{Ca}_5(\text{PO}_4)_3\text{OH}$  зонага ўтади. рН нинг рН 6,8 дан пасайиши  $\text{P}_2\text{O}_5$ нинг 52% дан ортиқ масса ўсишига ҳисса кўшади. Ҳаддан ташқари тез аммонизацияди-, три-кальций фосфат ва  $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2 \cdot \text{Ca}(\text{OH})_2$  ҳосил бўлишига олиб келади, шу билан бирга, рН қиймати 7,1 дан юқори бўлган гидроксилпатит, ди-кальций-, дикадмий-фосфат туфайли коллоид ҳосил бўлиши кузатилади.

Жараён параметрлари адабиётларда кўрсатилмаган, шунинг учун улар қайтадан ишлаб чиқилди. Жумладан, рН нинг маҳсулот кўрсаткичларига таъсири ўрганилди (2-жадвал).

**2-жадвал. ККФ маҳсулотининг ТШ 113-03-00209510-108-2006 мувофиқлиги кўрсаткичига рН муҳитнинг таъсири (рН  $\text{NH}_4\text{OH}$  ва  $(\text{NH}_4)_3\text{PO}_4$  томонидан тартибга солинган)**

рН муҳити	Таркиб, % масса			(CdO+ CaO)/ P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	ТШ 113-03-00209510-108-2006 га мувофиқлиги
	CdO	CaO	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>		
6,8-7,1	11,5±1,5	42,5±2,5	45,0±2,0	2,65-2,90	Мос келади
> 7,1	<11,5	<42,5	< 44	2,95	Мос келмайди
< 6,8	<9,5	<40	> 52	2,20	Мос келмайди

*Синтез жараёнининг схемаси:* дастлабки эритмалар, г/дм<sup>3</sup>; 1)  $\text{Cd}(\text{NO}_3)_2$ ,  $\text{CdO}$  бўйича, 22,8; 2)  $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ ,  $\text{CaO}$  бўйича, 103,6; 3)  $\text{H}_3\text{PO}_4$ , 25% оғирлиги.; 4) аммиакли сув, оғирлиги бўйича 10%. ККФ массасини рН 6,8-7,1 да 90 дақиқа давомида чўктириш;  $\text{NO}_3^-$  ионларини йўқотишгача филтрлаш ва

ювиш; чўкмани 100-110 °С хароратда қуритиш; майдалаш, графит билан аралаштириш (оғирлиги бўйича 1%).

Диссертациянинг “Қайта ишланган ККФ катализаторидан кадмий олиш усулини ишлаб чиқиш” мавзусидаги тўртинчи бобида “Навоийазот” АЖнинг “кадмий-кальций-фосфат катализатори ТШ 113-03-00209510-108-2006”, фойдаланиш муддати 6 ойга етгандан сўнг, кадмийни қайта ишлаш учун лозим эканлиги қайд этилган. Бунинг учун республика ўзининг кадмий хомашёсига эга: “Олмалиқ КМК” АЖнинг рух заводидан кадмий ва “Навоийазот” АЖда сарфланган ККФ катализатори.

“Навоийазот” АЖ чиқиндиларидан кадмий олиш усули. Cd-чиқинди учун эритувчилар кўриб чиқилди (3-жадвал):

### 3-жадвал. ККФ катализатор моддасининг суюқ фазага ўтиш даражаси

Эритувчи, кислота	Бошланғич катализатор массаси, мг	Эритилгандан кейинги катализатор массаси, мг	Эритилиш даражаси, %
Нитрат	1000	30	97
Сульфат	1000	700	30
Сирка	1000	790	21

Нитрат кислотада эриши танланди:  $\kappa:c=1:7$ да, рН 4 ва харорат 70-80°C,  $\delta$  (Cd ажралиб чиқиш даражаси)=65%. Такқослаш учун, HCl-эритмасидан  $\delta=46\%$ , такрорлаш билан эса,  $\delta=57,5\%$ . Чўкмада 95% кальций гидрооксиди ва фосфатлар қолади. Cd ни H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> эритмасидан Zn га цементация қилиш орқали ажратиб олинади ( $\delta=94\%$ ). H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> да эриши  $\delta=26\%$ , қайта эриши – 61% гача.

Эритмани Ca(II)дан гипс ёрдамида тозалаш усули. Ca(II) -ионларидан кутулиш учун гипс усулидан фойдаланилди. 1000 г намуна 0,1 мм ўлчам катталикда майдаланади, 10 дм<sup>3</sup> HNO<sub>3</sub> (1:1) да эритилади ва олинган кўмир суспензияси филтрга берилади.

### 4-жадвал. Кадмийни рН эритма орқали чўктириб олиш даражасига боғлиқлиги


рН	Концентрация Cd, г/л	ККФданCd ажратиб олиш даражаси, %
6,0	3,95	79
6,5	4,25	85
7,5	4,95	97
8,0	4,50	90
8,8	3,50	70

Таркибида кадмий бўган эритмани Ca(II)дан гипслаш йўли билан тозалаш рН~0 гача NaOH кўшиш билан олиб борилди, стехиометрик


микдорда кўшилди, 990 г  $\text{Na}_2\text{SO}_4$ , гипс чўктирилди, чўкма 24 соатга қолдирилди (90-95% кальций ажратиб олинди).

### Технологик схема

1-расм. ККФ катализаторини нитрат кислотали эритмага ўтиши билан кадмийни аммиакли чўкиш схемаси



2-расм. ККФ катализатори нитрат кислотали эритмага ўтиши билан кадмийнинг сульфидли чўкиш схемаси



$\text{Cd(II)}$ , “чўктирувчи”ларни самарадорлиги бўйича таққослаш. Нитрат кислота эритмасидан  $\text{Cd(II)}$  чўктиришнинг 2 усули қўлланилди: 1) аммиак билан; 2) сульфид ионлари, чўкма таркиби назорат қилиш билан. Уларни батафсилроқ кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. 1-ҳолатда  $\text{Cd(II)}$ -ионлари қийин эрийдиган кадмий гидроксид чўкмасига айлантирилди (1-расм, 5-

жадвал). 2-ҳолатда натрий сульфид эритмаси ишлатилди (2-расм, 5-жадвал).

5-жадвалдан кўринадики: 1)  $\text{HNO}_3$  эритмадан Cd(II) (74%) ва Ca(II) (99%) ни чўкмага тўлиқ ўтказди; эритмада фосфат-ионлари 46%; 2) иккала чўктирувчи ҳам (аммиак ва сульфид-ионлари) Cd(II)-ионларини ажратиб олишнинг селективлигини таъминламайди.

Cd(II)-, Ca(II)-, фосфатионларининг ажратиб олиш схемаси. Бир қатор мумкин бўлган вариантлардан, катионларнинг сорбцияси учун PuroliteC-100 қатрони танлаб олинди, эритмада фосфат ионлари билан (3-расм). Cd(II) сорбция изотермаси олинди (4-расм).

**5-жадвал. Аммиакли чўктириш усули ёрдамида ККФни (Cd 10%) қайта ишлаш**

Т/р	Намуналарнинг номи	Элемент, мг/г	Элемент, % масс.	Ажралиб чиқиш, %
1	ККФ бошланғич, қаттиқ фаза	Cd 100,13 Ca 294,34 P 156,47	10 29 15	- - -
2	ККФдан нитрат кислота эритмаси орқали кадмийни эритмага ўтказиш	(мг/л) Cd 7400 Ca 28000 P 6900	- - -	74 99 99
Cd(II) аммиакли чўктириш				
3	ККФни нитрат кислотаси ёрдамида эритмага ўтказилган кадмийни аммиакли чўктириш маточли эритмаси	(мг/л) 98,0 7700 12	- - -	
4	Аммиакли чўктиришдаги чўкма (қаттиқ фаза: $\text{CdO-CaO-P}_2\text{O}_5$ )	Cd 78,52 Ca 194,66 P 155,12	- - -	93 61 99
Cd(II) Сульфидли чўктириш				
5	Эритмага ўтган Cd ни сульфидли чўктириш маточли эритмаси	96,0 7500 10,0	- - -	
6	Сульфидли чўктиришдаги чўкма, қаттиқ фаза: $\text{CdS-CaO}$	Cd 79,5 Ca 197,0 P 150,9	- - -	93 60 100

**5-боб “ККФ-катализаторидан кадмийни қайта ишлашнинг комплекс технологияси” деб аталган.** Ушбу усулни кенгайтирилган лаборатория синовларига, Cd эритмасини кальцийдан тозалаш усулини такомиллаштиришга ва “Навоийазот” АЖда кадмийни қайта ишлаш технологиясини тажрибавий синовдан ўтказишга бағишланган.




десорбцияси бошланмади. Cd(II)- ионлари ААС методи ёрдамида назорат қилинди (7-жадвал).

7-жадвал. Cd(II) эритмалардаги таркиби (усул: ААС, АAnalyst 200)

Т/р	Технологик эритма	Таркиби Cd, g/L	Ажратиб олинishi Cd, %
1	Кадмийни кадмий гидроксиддан H <sub>2</sub> SO <sub>4</sub> ли эритмага ўтказиш	9,60	94,8
2	Cd сорбциясидан кейинги эритма	0,50	
3	Cd десорбциясидан кейинги эритма	9,10	99,8

АВС-1.1 анализаторда (1,5см<sup>3</sup>) аликвотада Cd аниқланди (калибровка 10.0 мг/дм<sup>3</sup> стандарт бўйича): 4,8 г/дм<sup>3</sup>, бу ААС, АAnalyst 200 билан мос келди (8-жадвал).

Кадмийни қайта ишлаш: жараённинг технологик картаси (5-расм). 1000 г ишлатилган ККФ-Н катализаторидан CdCl<sub>2</sub> кўринишда 250 г Сдажратиб олинди, сўнгра CdO. Кадмий учун ККФ катализаторини қайта ишлаш ва унинг асосида янги ККФ катализаторини ва бошқа маҳаллий компонентларни синтез қилишнинг технологик схемалари тузилди. Хомашё: ортофосфат кислота, оғирлиги 25%; CdO сифатида ҳисобланган, 22,8 г/дм<sup>3</sup> Cd(NO<sub>3</sub>)<sub>2</sub>; Ca(NO<sub>3</sub>)<sub>2</sub>, қайта ҳисобланганда CaO, 103,6 г/дм<sup>3</sup>, аммиакли сув 10%, режим: рН 6,8÷7,1; вақт 90 дақиқа; қуритиш ККФ 100-110 °Сда; таблеткаләш. ККФ катализатор массасини синтез қилиш усули эритмалар аралашмасини керакли моляр нисбатда кўшишдан иборат бўлди: Ca(NO<sub>3</sub>)<sub>2</sub>+Cd(NO<sub>3</sub>)<sub>2</sub> ва (NH<sub>4</sub>)<sub>3</sub>PO<sub>4</sub>.



5-расм. Ишлатилган ККФ катализаторини қайта ишлаш технологик схемаси.

\*) ККФ – дахлабки ишлатилган катализаторнинг таркиби ККФ, мг/г: Cd 100,13; Ca 294,336; P 156,467

Шу муносабат билан вольтамперометрик АВС-1.1 ТШ 4300-022-27458903-09 анализаторда айланувчи шиша углеродли катодда (сезгирлиги 10<sup>-9</sup>% гача) кадмийни назорат қилиш инверсион-полярографикли методи

ишлаб чиқилди. Унга кўра, таҳлил қилинадиган эритмани 100000 марта суюлтирилди.

### 8-жадвал. Cd(II) эритмалардаги таркиби: полярограф ABC1.1 ва ААС

Т/р	Технологикэритма	Cd (II), г/л	Топилди Cd, г/л
1	Нитрат кислотали эритма ККФ	4,8	4,9
2	Ca (II)сиз маточли эритма	4,6	4,7
3	Cd (II)сиз маточли эритма	0,0014	0,001
4	Cd(II) сорбциясидан кейинги эритма	0,0011	0,001

Каталитик массани чўктириш  $(CdO+CaO)/P_2O_5=2,8\pm 0,2$  нисбати билан ва фосфор кислотасини рН 8,0-9,4 гача аммонизациялаш, филтрлаш қобилятига эга структурани шакллантириш, “Максам-Чирчик” АЖда “Катализатор кадмий-кальций-фосфатли ККФ-Н” ТШ 113-03-00209510-108-2006 га мувофиқ таблеткалаш, таркиб бўйича, мг/г: Cd 100.13; Ca 294.34; P 156.47 ва хоссалари.


ККФ-катлизаторининг намуналари ацетилендан ацетальдегидни синтез қилиш қурилмасида “Навоийазот” АЖга синовдан ўтказиш учун берилди (6-расм). Тажриба маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикаси патентига талабнома берилди. Кадмийни ККФ катализатори синтезининг янги циклига қайтариш билан икки босқичли жараённинг (қайта ишлашнинг) мураккаб технологияси ишлаб чиқилган. Ажратиб олинган кадмий ва реагентлардан ККФнинг каталитик массаси тайёрланиб, “Максам-Чирчик” АЖга топширилди, ККФ катализатор таблеткалари преслаш машинасида пресланди. Олинган намуналар “Навоийазот” АЖга топширилди ҳамда ацетиленнинг ацетальдегидгача бўлган буғ фазали гидрацияси жараёнида синовдан ўтказилди. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки: “1-сонли ККФ катализаторининг намунаси ацетальдегид учун етарлича юқори селективлик ва унумдорликни кўрсатди. Ацетальдегид учун селективлик 73,28%, унумдорлиги  $33,98 \text{ mg/cm}^3 \cdot \text{h}$ ”.

*Кадмийни қайта ишлаш технологиясини синовдан ўтказиш.* Катализатор намунаси етарлича термал барқарор эмас. Ушбу камчиликни ҳисобга олган ҳолда ККФнинг янги партиялари синтез қилинди. Технология қуйидагича: 1,0 т ишлатилган ККФ катализатори шарли тегирмонда 0,1 мм гача майдаланилди,  $10 \text{ м}^3$  нитрат кислотада (1:1) эритилди.

Эримайдиган қисм (кўмир) филтрланди. ККФ-Н нитрат кислотали эритмасини Ca(II) ионларидан тозалаш қуйидагича амалга ошади: 30% NaOH ни рН~0 гача нейтралланади, қайнагунча қиздирилади, кальций сульфатни чўктириш учун (18) реакция бўйича стехиометрик миқдорда натрий сульфат (990 кг) қўшилади.

6-расм. ККФ-Н катализатори юзасида ацетилендан ацетальдегидни синтез қилиш учун лаборатория қурилма схемаси.

*Белгилари:* 1 - реактор; 2 – иситгич ТЕН-06; 3 - корпус; 4 - трансформатор; 5 - вольтметр; 6 - термокарман; 6 - термopара ТХК; 7 – ҳароратни назорат қилиш мосламаси; 8 - КСП-4 ёзиш мосламаси; 9 – хомашё билан таъминлаш мосламаси; 10 - фланец-крышка; 11 - панжара; 12 – маҳсулот чиқариш мосламаси; 13 -пастки гардиш.



Олинган кальций сульфат чўкмаси филтрлашни осонлаштирадиган структурани “етилиши” учун 24-72 соатга қолдирилади; филтрланади. 95% кальций чўкмага тушади, кальцийни ажратиб олишдан олдинги ва кейинги эритмадаги Cd(II) иони концентрацияси доимий. Филтрат натрий гидрооксид билан рН 6-7 бўлгунча (19) реакцияси бўйича нейтралланади. Тушган кадмий гидрооксид чўкмаси (шу жумладан кальций фосфат) филтрланади, нитрат ионларини йўқотиш учун деионланган сув билан ювилади, 10 м<sup>3</sup> сульфат кислота (конц., 98%) эритмасида (20) реакция бўйича эритилади. Эритмадан кальций фосфат чўкмасини ажратиб олиш учун филтрланади. Фосфат ионларини йўқотиш учун кадмий сульфат эритмаси “Purolite C-100” оркали Н<sup>+</sup>-шаклида соатига 2-3 колонка ҳажм (катрон ҳажми 2,0 м<sup>3</sup>) тезликда ўтказилади.

#### 9-жадвал. ККФ катализатори таркибининг ТШ талабларига мувофиқлиги

ККФдаги бирикманинг улуши, %	Талабнома ТШ 113-03-00209510-108-2006, %	ККФ намунасининг таркиби, %
кальций оксид	42,0-47,0	46±1,5
кадмий оксид	10,0-13,0	12±1,0
фосфор оксид (P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> )	40,0-47,0	45±2,5

Сорбция даражаси 99,9% ни ташкил этади. Ионитли колонкалар рН 7 бўлгунча деионизацияланган сув билан ювилади, кадмий 6 ҳажм НСl (72 г/дм<sup>3</sup>) билан десорбцияланади, каталитик масса, кальций ва фосфатлар аралашмаси билан, ТШ113-03-00209510-108-2006 га мос келиши керак (9-

жадвал). Ундан “Максам-Чирчик” АЖда 1% кўмир билан пресс-машинасида таблеткалар ясалади. Каталитик фаоллик ацетальдегид синтези учун лаборатория курилмасида (габарит  $\varnothing$  40 mm, h380 mm) синовдан ўтказилди, “Навоийазот” АЖ 007 цехининг 650-биноси (0.00 баландлик) да унинг ишлаши учун 33-ПЦ-6 кўлланмаси асосида синовдан ўтказилди. Амалдаги хомашё: ацетилен концентрати таркиби:

$C_2H_2$  96,90 - 98,63 % ҳажм; ўртача.96,37 % ҳажм  
 $H_2$  отс-1,10% ҳажм  
 $N_2$  0,15 -2,23 % ҳажм  
 $CH_4$  отс - 0,24 % ҳажм  
 $CO$  отс - 0,92 % ҳажм  
 $CO_2$  0,054 - 1,95 % ҳажм  
 $O_2$  0,077 - 0,36 % ҳажм  
 $\Sigma$  ВГА\* 0,39- 1,87% ҳажм - ацетиленнинг олий гомологлари.

*Синов шартлари:* юкланган катализаторнинг ҳажми- 200 см<sup>3</sup>(212 г).

Технологик режим кўрсаткичлари:

ацетилен сарфи 50,1 дм<sup>3</sup>

ацетилен ҳажмий тезлиги 241,41 h<sup>-1</sup>

моляр нисбат  $H_2O : C_2H_2(1,031 - 1,612) : 1,330$

катализатор қатлам ҳарорати - 365 °С; орасида 352,5 °С.

Ҳарорат ва компонентлар сарфи ўлчанди. Маҳсулотларнинг таркибий қисми газ хроматографияси орқали таҳлил қилинди. Кирувчи ва чиқувчи газлар таҳлил қилинди. Ҳажмий тезлик газ оқими тезлиги ва ККФ ҳажми, маълум вақт давомида альдегиднинг массаси, ҳажми ва массаси ва ККФ катализаторининг ишлаши билан ҳисоблаб чиқилди. Технологияни синовдан ўтказиш маълумотлари ацетальдегид учун анча юқори селективликни ва самарадорликни кўрсатди (10-жадвал).

### 10-жадвал. ККФ-Н томонидан синтез қилинган намуналарнинг синов натижаси


Ацетальдегид учун селективлик	Ацетальдегид учун унумдорлик
Ўртача 73,28%	Ўртача 3,98 mg/cm <sup>3</sup> ·h

Ушбу кўрсаткичлар “Навоийазот” АЖнинг техник хизматлари томонидан уларни ишлаб чиқариш технологиясини янгилаш ҳисобига таъминланди. Шундай қилиб, кадмийни янги ККФ маҳсулотини синтез циклида қайтариш билан ишлатилган техноген кадмий сакловчи минерал хомашё ККФ катализаторида қайта ишлаш технологияси яратилди. Бу ТШ 113-03-00209510-108-2006 талабларига жавоб берадиган ККФ ёки тоза кадмийдан, ёки кадмийли концентрат, унча катта бўлмаган миқдорда кальций ва фосфат ионлари мавжуд бўлган ажратиб олинган кадмийдан ККФ синтезини назарда тутди.

Технология “Навоийазот” АЖда яратилган ККФ катализаторининг

тажриба синовидан ўтди. ККФ катализатор ишлаб чиқариш жараёнининг технологик харитаси тузилди. Тавсия этилган қайта ишлаш технологиясида нитрат кислота (махаллий хомашё) эритмага ўтказиш воситаси сифатида ишлатилди, эритмадан қаттиқ фазали углерод чўкмаси ажратиб олинди, сўнгра мақсадли маҳсулот ишлаб чиқаришга олиб келадиган операциялар бажарилди.

7-расм. Кадмий концентрати учун ККФ катализаторни қайта ишлашнинг мукаммал принципиал схемаси.  
Белгиланиши: 1, 3, 5 – реактор аралаштиргич билан ва буғ қобиғи, қувурли мослама; 2, 4, 6 – фильтрловчи қурилмалар.



*Кадмийни қайта ишлаш технологиясининг модификацияси.* Амалиёт шуни кўрсатадики, тоза кадмийни ажратиш схемаси ишлаб чиқаришга етарлича мослаштирилмаган, муайян ортиқчалик мавжуд. Ярим маҳсулот сифатида тоза кадмий эмас, балки каталитик фаоллик ва таркибга салбий таъсир кўрсатмайдиган миқдордаги Ca(II) ва фосфат ионларини ўз ичига олган кадмий концентратини олиш билан уни соддалаштириш зарурати юзага келди, чунки синтез таркибий қисмлари уларни ўз ичига олади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ишлатилган ККФ катализаторидан ажратиш учун соддалаштирилган схема ишлаб чиқилди, хомашё сифатида - ярим маҳсулот, тоза кадмий ўрнига Ca(II) ва фосфат ионлари аралашмаси бўлган кадмий концентрати ишлатилди (натигага таъсир қилмайдиган), синтезнинг мажбурий таркибий қисмлари уларни ўз ичига олади (6-расм).

## ХУЛОСА

1. Эритувчиси нитрат кислота ( $K:C = 1:7$ )  $pH=4$ ; ҳарорат  $70-80\text{ }^{\circ}C$  бўлган қайта ишланган катализатор ККФдан кадмий ажратиб олиш усули ишлаб чиқилди. Кальций ионларидан холос бўлиш учун гипслаш усули қўлланилди, бунда нитрат кислотани  $pH=0$  бўлгунча натрий сульфат кўшиб нейтралланади. Кадмий сакловчи филтрат  $pH=7,5$  гача нейтралланади, филтратдаги кальций фосфат қолдиқлари бор кадмий гидрооксиди нитрат ионларидан ювилади ва сульфат кислотада эритилади. Эритмадаги  $Cd$ ,  $Ca$  ва фосфат ионларининг ажратилиши катионларни Purolite C-100H (фосфат ионлари-эритмада) катронда сорбция натижасида амалга оширилди.

2. Кадмий сакловчи эритмани тозалаш усули гипсни  $100\text{ }^{\circ}C$ да чўктириш (эрувчанлик минимуми:  $0,162\%$ ) билан қайта ишланган катализатордаги темирдан тозалаш учун кадмий ва темирни Purolite C-100H катронда сорбцияси билан, кадмийнинг хлорид кислотаси ёрдамида десорбцияси (бунда темир (III) катионларининг десорбцияси  $Cd(II)$ ни десорбцияси тугамагунча бошланмай турган) билан асосланди.

3. Кальцийни қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилган, биринчи қисм – кадмийни ажратиб олиш, иккинчи қисм – янги ККФ катализатори синтези; хомашё: ортофосфор кислотаси,  $25\%$  оғирлик;  $CdO$   $22,8\text{ г/дм}^3$ ;  $Ca(NO_3)_2$  қайта ҳисобланганда  $CaO$  га нисбатан  $103,6\text{ г/дм}^3$ ;  $10\%$  ли аммиакли сув, режим  $pH$   $6,8-7,1$ ; вақт  $90$  дақиқа; қуритиш  $100\text{ }^{\circ}C$ да; таблеткаш. Бу усул эритмалар  $(Cd + CaO)/P_2O_5 = 2,8 \pm 0,2$  нисбатда аралашшига фосфат кислотани  $pH$   $8,0-9,4$  гача аммонийланишига ККФ таркиби ТШ -03-00209510-108-2006 талабларига мос келиши билан асосланди.

4. “Навоийазот” АЖда синтез қилинган ККФ катализатор намуналарида тажриба синов тадқиқотлари ўтказилди, жараён ацетиленни ацетальдегидгача қўш фазали гидротациялаш жараёни борадиган қурилмада (ишлатиш бўйича қўлланма ЗЗ-ПЦ-6 га асосан) амалга оширилди. Олинган маҳсулотнинг таркибий қисмини (кирувчи ва чиқувчи газлар) газли хроматография усулида аниқланди. Селективлик  $73,28\%$ , ацетальдегид бўйича унумдорлик  $33,99\text{ мг/см}^3 \cdot \text{h}$  га етказилди.

5. Кадмийни қайта ишлаш усули ишлаб чиқаришда етарли эмаслиги сабабли бу жараённи кадмий оксиди ўрнига кадмий концентратини ажратишнинг (таркибида  $Ca(II)$  ва фосфат ионларининг қолдиқ миқдорлари бўлган), катализатор таркиби ва каталитик фаоллиги ноҳўя таъсир қилмайдиган ҳолда, соддалаштирилган усули ишлаб чиқилди. Мос келувчи жараённинг соддалаштирилган схемаси ишлаб чиқилди.

6. Вольтамперометрик АВС-1.1 ТШ  $4300-022-27458903-09$  анализаторида айланувчи шиша углеродли катодда (сезгирлик  $10^{-9}\%$  гача) кадмийни назорат қилишнинг инверсион-полярографик усули ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02.30.12.2019.K/T35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И  
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

---

**ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**ЖУМАНАЗАРОВ АКМАЛ РУЗИКУЛОВИЧ**

**ТЕХНОЛОГИЯ ИЗВЛЕЧЕНИЯ КАДМИЯ ИЗ ОТРАБОТАННОГО  
КАДМИЙ-КАЛЬЦИЙ-ФОСФАТНОГО КАТАЛИЗАТОРА С  
ВОВЛЕЧЕНИЕМ ЕГО В НОВЫЙ ЦИКЛ СИНТЕЗА КАТАЛИЗАТОРА**

**02.00.19 – Химическая технология редких, благородных и радиоактивных элементов  
02.00.14 - Технология неорганических веществ и материалов на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент 2023**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2022.4.PhD/T3261.

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.ionx.uz](http://www.ionx.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZİYONET» по адресу [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

**Научные руководители:** **Гуро Виталий Павлович**  
доктор химических наук, профессор  
**Дадаходжаев Абдулла Турсунович**  
доктор технических наук, профессор


**Официальные оппоненты:** **Намазов Шафоат Саттарович**  
доктор технических наук, академик  
**Рузиев Улугбек Незматович**  
доктор философии по техническим наукам, PhD

**Ведущая организация:** **Ташкенский химико-технологический институт**

Защита состоится «18» апреля 2023 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.02.30.12.2019.K/T35.01 при Институте Общей и неорганической химии Академии наук Республики Узбекистан по адресу: 1000170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а.Тел.: (99871) 262-56-60, Факс: (99871) 2627990, e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Институте общей и неорганической химии Академии наук Республики Узбекистан (зарегистрирована за № 32) по адресу: 1000170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60.

Автореферат диссертации разослан 3 апреля 2023 г.  
(реестр протокола рассылки № 32 от 3 апреля 2023 г.).



**Б.С. Закиров**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёной степени, д.х.н.,  
профессор

**Д.А. Салиханова**  
Учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёной степени, д.т.н.,  
профессор

**Ш.С. Намазов**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению учёной  
степени, д.т.н., профессор, академик

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации на ученую степень (PhD)).**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире ведётся ряд исследований, направленных на снижение экологической нагрузки от техногенных отходов, определение и извлечение тяжелых металлов (включая кадмий) по Протоколу Конвенции о трансграничном загрязнении воздуха на большие расстояния. Извлечение радиоактивных, тяжелых и цветных металлов из твердых отходов предотвращает не только экологические проблемы, но и даёт возможность возвращать благородные ресурсы с систему. Такое внимание обусловлено тем, что антропогенная эмиссия кадмия превышает природную и показывает актуальность проблемы их снижения.

В мировой практике проводятся научные исследования по технологиям переработки техногенных отходов металлургической промышленности, содержащих кадмий, и получению из них новых продуктов. В этом направлении, особое внимание уделяется: определению физико-химического состава отходов металлургической промышленности, определению физико-химическими методами переработки содержания вещественного и химического состава образцов катализатора ККФ-Н; разработке способа извлечения кадмия из катализатора ККФ-Н; разработке метода синтеза катализатора ККФ-Н из кадмий содержащих отходов.

В республике достигаются определенные теоретические и практические результаты в переработке техногенных отходов металлургической промышленности и создании продукции с высокой добавленной стоимостью из местного сырья. В третьем направлении Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы поставлены такие задачи, как: «...продолжить реализацию промышленной политики, направленной на обеспечение устойчивости национальной экономики, повышение доли промышленности в валовом внутреннем продукте и увеличение объема промышленной продукции в 1,4 раза...»<sup>1</sup>. В связи с этим актуальны исследования по переработке кадмий содержащих техногенных отходов, превращению их во вторичное сырье.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», от 30 октября 2019 года УП-5863 «Об утверждении концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года», Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-5159 от 24 июня 2021 года «О дополнительных мерах по развитию горно-металлургической промышленности и связанных с ним других направлений», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 г. ПФ-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы»

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан: VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

